

**ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР – ТИЛ
ЯШОВЧАНЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ****Собиров Абдулхай Шукурович**

Фил.ф.д., профессор. Андижон давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7276700>

Аннотация. Мақолада тил ва уни ташкил этувчи қисмлар, тил бирликлари ўртасидаги муносабатлар турлари, лексемалар ўртасидаги гипер-гипонимик муносабат ҳақида гапирилган.

Калит сўзлар: тил, систем-структур тилшунослик, тил узвлари, муносабат, гипонимия, гипероним, гипер-гипонимик муносабат, эквоним.

**ОТНОШЕНИЯ МЕЖДУ ЯЗЫКОВЫМИ ЕДИНИЦАМИ – ПРОЧНАЯ
ОСНОВА ВЫЖИВАНИЯ ЯЗЫКА**

Аннотация. В статье говорится о гипер-гипонимических отношениях между языком и его составными частями, взаимосвязанных типах языковых единиц, лексемах.

Ключевые слова: язык, системно-структурная лингвистика, языковые элементы, отношение, гипонимия, гипероним, гипер-гипонимическое отношение, эквоним.

**RELATIONSHIPS BETWEEN LANGUAGE UNITS ARE THE STRONG BASIS
OF LANGUAGE SURVIVAL**

Abstract. The article talks about language and its constituent parts, types of relations between language units, hyper-hyponymic relations between lexemes.

Key words: language, system-structural linguistics, language elements, relationship, hyponymy, hyperonym, hyper-hyponymous relationship, equonym.

КИРИШ

Тилда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини тушуниб етиш, янги пайдо бўлаётган лексик бирликларни тартибга солиш, тизимлаштиришда бизга тилшуносликда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётган систем-структур йўналиш яқиндан ёрдам беради. У XX асрнинг 2-ярмида анъанавий тилшунослик ёнида пайдо бўлди. Баъзи манбаларда уларни бир-бирига нисбатан қарши қўйиш ҳолатлари кузатилади. Аслида, улар тенг ҳуқуқли, бир-бирини рад этмайдиган, аксинча, бири иккинчисининг натижаларига асосланадиган, ҳозирги кунда баб-баравар қадам ташлаётган йўналишлар саналади [1].

Шунга боис, систем-структур тилшунослик ёки тизим тилшунослиги деб аталаётган оқимга айрича қараб бўлмайди, балки унга тилшуносликнинг истиқболли йўналиши сифатида қараш маъқул бўлади.

Тил ўзига хос имо-ишоралар системаси, жамиятда асосий ва энг муҳим фикр алмашиш қуроли, жамият тафаккури ривожланишини таъминловчи, авлоддан авлодга маданий-тарихий анъаналарни етказувчи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса [2] сифатида бизга ҳали барча қирраларини намоён қилганича йўқ. Уни ўрганишда давом этяпмиз. Тилга систем-структур ёндашиш унинг бизга маълум бўлмаган жиҳатларини очиб беришда муҳим ўрин тутиши табиий.

Демак, тилга мунтазам алоқадорликдаги элементларнинг муносаба-тидан ташкил топган яхлит бир бутунлик сифатида қараш, унинг асосий бирлиги саналган лексеманинг

лисоний ва нолисоний белгиларини турли хил аспектларда туриб мукамал тадқиқ этиш систем-структур тилшуносликнинг моҳиятини ташкил этади.

Тилни жуда кўп нарсага ўхшатишади. Бу ўхшатишларнинг барчасида нисбийлик бор. Аслида, тилни дунёдаги ҳеч бир нарсага менгзаб бўлмайди. У чексиз имкониятга, улкан захирага эга бўлган, фақат инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёни туфайлигина юзага чиқадиган муомала-муносабатларнинг мураккаб системаси, ўзига хос кўринишидир.

Америкалик олим У.Уитнининг фикрича; “Тил бир турдаги қисмларнинг оддий бир агрегати эмас. У бир-бири билан чамбарчас ҳолда боғланиб кетган, бири иккинчисини тўлдириб келувчи элементларнинг комплекс системасидир. Бу система яхлит бўлиб, симметрик структурага эга. Тилнинг бу хусусияти оламдаги маълумотларни ташқарида ва ўз ичида қамрай биладиган, сўнгра мулоқот жараёнида уларнинг ҳар биридан ўз ўрнида унумли фойдалана оладиган онгнинг амалий фаолиятига бориб тақалади” [3].

Дарҳақиқат, тилдаги элементларнинг бири иккинчисига, иккаласи ўзаро бирикиб туриб учинчисига ва шу тариқа барча элементлар бир-бирига узвий боғланиб тил системасининг яхлитлигини, бус-бутунлигини таъминлайди.

Тилнинг барқарорлиги, яшовчанлиги ундаги элементларнинг оз ёки кўплигига, сифатига эмас, балки элементлар ўртасидаги муносабатларнинг қай даражада ташкил топишига, шаклланишига боғлиқ. Бу муносабатлар қанчалик ранг-баранг, мукамал ва барқарор бўлса, тил ҳам шунчалик бой, ифода имкониятлари кенг, кўлами катта ва яшовчан бўлади.

Бу гапни тилнинг ўзига хос қурилмалари саналган семантик майдонларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Семантик майдонларнинг асосини узвлараро ва майдонлараро муносабатлар ташкил қилади.

Муносабатлар деганда бир бутунликнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва боғланишлар тушунилади. Бундай алоқалар турли-туман бўлиши мумкин. Тил бирликларининг шакли, маъноси ёки бажараётган вазифасига қараб туриб улар ўртасидаги муносабатлар ва алоқаларнинг бир нечта турини кўрсатиб ўтса бўлади. Ўзаро ўхшашлик ва фарқлилик бундай муносабатларнинг асосий кўринишларидир [4].

Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловларнинг эътироф этишича, тил бирликлари ўртасидаги муносабатларнинг уч тури мавжуд.

1. Ўхшашлик (парадигматик) муносабатлар
2. Поғонали (иерархик) муносабатлар
3. Кўшничилик (синтагматик) муносабатлар [5].

Семантик майдонлар ичида бундай ҳолатлар сон-саноксиз ва чексиз саналади. Семантик майдондаги парадигма аъзолари ўртасида кенг тарқалган муносабат турларини куйидаги гуруҳларга бўлиб юбориш мумкин.

1. Синонимик (маънодошлик) муносабати.
2. Гипер-гипонимик (жисм-тур) муносабати.
3. Холо-меронимик (бутун-бўлак) муносабати.
4. Градуонимик (лексик даражаланиш) муносабати.
5. Функционимик (вазифадошлик) муносабати.
6. Зидлик муносабати.

Бу бўлиниш охириг чегара эмас. қолаверса, лексик бирликлар ўртасидаги алоқаларни белгилашда қайси нуқтаи назардан туриб ёндашиш муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, рус олими М.В.Никитин лексик континуумни классификация қилишда унинг мантиқий жиҳатларига эътибор берган ҳолда лексемалар ўртасидаги икки хил алоқа турини кўрсатиб ўтади.

а) содда алоқа; б) таснифий алоқа.

М.В.Никитин реал борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасида мавжуд бўлган алоқа-муносабатларнинг когнитив ифодасига содда алоқа сифатида ёндашган. Бу алоқаларнинг қисм ва бутун, буюм ва белги, жисмлараро ҳамда белгилараро содир бўлишини таъкидлаган.

Таснифий алоқа умумийлик асосида нарса ва ҳодисалардаги белгиларни ажратиш ва уларни гуруҳлаш билан боғлиқлигини, бу жараённинг инсон онгида юз беришини ва ўз навбатида унинг иккига бўлиниб кетишини айтиб ўтган.

а) гипер-гипонимик ёки жинс-тур муносабати; б) симилятив ёки ўхшашлик муносабати. Бу гуруҳга партонимия, эквонимия, антонимия, конверсия киритилган [6].

Семантик майдон узвлари ўртасидаги энг муҳим муносабат турларидан бири гипер-гипонимик муносабат саналади.

Реал борлиққа кўп сонли парадигмалардан иборат бўлган улкан ва мураккаб система сифатида қараш ҳамда унинг инъикосини инсон тилидан қидириш натижасида ғарб тилшунослиги ўтган асрда жуда кўплаб ютуқларни қўлга киритди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Хусусан, Жон Рей, Карл Линней, Чарльз Дарвин каби ботаник ҳамда биолог олимлар томонидан ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасига киритилган жинс-тур муносабати кейинчалик тил бирликларига нисбатан ҳам татбиқ этила бошланди. Тил бирликлари ўртасида амалда бўлган кўплаб муносабат турлари кашф этила бошланди.

Жон Рей, Карл Линней, Чарльз Дарвин каби ботаник ҳамда биолог олимлар томонидан ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасига киритилган жинс-тур муносабати кейинчалик тил бирликларига нисбатан ҳам татбиқ этила бошланди. Тил бирликлари ўртасида амалда бўлган кўплаб муносабат турлари кашф этила бошланди.

1968 йили инглиз тилшуноси Дж. Лайонз томонидан гипонимия, гипероним, гипоним сўзлари жинс-тур муносабатини ифодаловчи атамалар сифатида тилшуносликка олиб кирилди. Дж. Лайонз 1977 йили Лондонда босилиб чиққан «Семантика» номли китобида гипонимия ҳақида муфассал маълумот берган [7]. Гипонимия ҳодисаси француз тилшуноси В.Г.Гак, рус тилшунослари Ю.С.Степанов, А.А.Уфимцева, Л.А.Новиков, М.В.Ники-тинлар томонидан кенг тадқиқ этилган [8].

1990 йили Р. Сафарова кенг истеъмолдаги зоонимлар мисолида гипонимия ҳодисаси бўйича номзодлик ишини ҳимоя қилди [9].

Муайян турларга нисбатан умумий маънони ифодаловчи ва семантик майдоннинг ядроси (маркази)да келувчи бош сўзга, доминантага нисбатан гипероним атамаси ишлатилади. Бу сўз жинсни билдиради.

Гипоним маълум бир жинснинг турини билдирувчи лексик birlik сифатида юзага чиқади. Ўзи билан тенг қийматга эга бўлган турдош гипонимлар билан биргаликда гиперонимга тобе бўлади. Демак, тилдаги жинс-тур муносабатига гипонимия деб аталади.

Гарчи Р.Сафарова томонидан мазкур ходиса жиддий тадқиқ этилган бўлса-да, ҳали унинг очилмаган қирралари жуда кўп. Биринчидан, жинс-тур (гипер-гипонимик) муносабати лексик сатҳдаги семантик майдонларнинг асосини ташкил қилади. Ўзв (аъзо)ларни уяларга, уяларни улардан каттароқ тўдаларга, тўдаларни гуруҳларга, гуруҳларни семантик майдонларга бирлаштириш чоғида жинс-тур муносабати юзага чиқиб бораверади. Майдон иерархиясининг мураккаб қурилмасида гиперонимлар ҳалқа вазифасини ўтайди. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, улар ўртасида субординация кузатилади, яъни кичикроқ нарсалар ўзидан каттароқ нарсаларнинг ичига даражама-даража кириб бораверади. Масалан, *полиз экинлари, қора экин, дон маҳсулотлари* гиперонимлар сифатида учта лексик-семантик гуруҳни ташкил қилади.

1. Полиз экинлари: *қовун, тарвуз, бодринг, ошқовоқ, ҳандалак.*

2. Қора экинлар: *картошка, пийёз, лавлаги, қизилча, сабзи, шолғом, турп, редиска.*

3. Дон экинлари: *бугдой, арпа, сули, маккажўхори, ловия, мош.*

Парадигма ичидаги ҳар бир лексема гипонимлик мавқеига эга бўлади. Ўз навбатида ҳар бир гипоним бир қанча лексемаларни бир ерга жамлай олади ва у жамланган гуруҳ ичида бошқаларига нисбатан гипероним бўлиб қолади.

Мисол учун *қовун* гипероними ўз ичига *бўриқалла, эскичопон, амири, қирқма, гүлоби, кампирқовун, умрбоқи, аравакаш, чўғари* каби гипонимларни бирлаштириб келади.

Бундай тасниф лексик континуумни бошдан оёқ ўраб олган. Иккинчидан, гипер-гипонимик муносабатлар муайян иерархик асосга қурилади. Буни бузиб юбориш ёки ташқаридан туриб унга таъсир этиш сира мумкин эмас.

Қатра, фельетон, очерк, новелла, қисса, повесть, роман гипонимлари *наср* гиперонимига; *газал, туюқ, рубоий, фард, маснавий, қасида, оқ шеър, поэма, достон* гипонимлари *назм* гиперонимига; *драма, комедия, трагедия, трагикомедия* гипонимлари *драма* гиперонимига бирлашади. *Очеркни драма* гиперонимининг гипоними сифатида талқин қилиш сира мумкин эмас. *Наср, назм, драма* бирлашиб туриб *адабиёт* гиперонимига тобе бўлади. *Адабиёт ўз навбатида ҳайкалтарошлик, рассомчилик, кино, театр* билан биргаликда гипонимлар қаторига ўтиб *санъат* гипероними таркибига қиради. Келтирилган мисолда майдон иерархияси яққол кўриниб турибди.

Учинчидан, гипер-гипонимик муносабатлар халқнинг урф-одатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тарихи билан чамбарчас боғланган ҳолда реаллашади. Масалан, ўзбек тилида *таом* гипероними ўз ичига *шўрва, мастава, палов, угра, лағмон, манти, шовла, димлама, қовурма* каби гипонимларни бирлаштириб келади. Бу парадигмага биз Европа тилларидан ва форс тилидан олинган *гот-дог (сосиска), сендвич (бутерброд); челокабоб (қайнатилган гурунчли кабоб), масқотий (угра билан мураббо аралашмасидан тайёрланган емак), фесенжон (қовурилган қўй ёки товуқ гўштини анор суви ва ёнғоққа аралаштириб тайёрланган овқат), кате (палов тури), дампухтак (палов тури)* каби лексемаларни кирита олмаймиз.

Маймун гипероними *мартишка, шимпанзе, горилла, орангутан, гиббон* сингари гипонимларни бирлаштириб келади. Ўзбек тилида гаплашувчи аҳоли яшайдиган табиий шароит маймунларнинг барча турларини билишни талаб қилмайди. Уларнинг 139 та тури мавжуд. *Мармозетка, макак, магот, қора ревун, бабуин, гажак думли маймун* каби лексемалар ва уларни ифодаловчи денотатлар бизга ҳамиша номаълум бўлиб қолаверади.

Сабаби улар биз учун ҳеч қандай қийматга эга эмас. Р.Сафарова бундай лексик бирликларни лексик лақуналар (тилнинг луғат таркибидаги бўш хоналар) деб атаган [10].

МУҲОКАМА

Масалан, ер юзида қушларнинг 8000 та, илоннинг 2500 та, тубан ўсимликларнинг 200000 та тури мавжуд. Биз улардан атрофимизда мавжуд бўлган, ижтимоий эҳтиёжимиз тушиши мумкин бўлганларини биламиз, қолганлари лексик лақуналар сифатида мулоқот жараёнидан ташқарида қолаверади.

Исбот учун *ўрдак* гиперонимининг *қизилбош*, *ҳайдаркокил*, *хитой ўрдак*, *қора ўрдак*, *суқсур*, *чуррак* каби гипонимларини олайлик. Атроф-муҳитнинг ўзгариши, инсоннинг табиатга фаол таъсир кўрсатиши натижасида *ўрдак* гипероними билан боғлиқ лексик лақуна кенгайиб, *ўрдак* турларини билдирувчи жуда кўп лексик бирликлар бизга тушунарсиз бўлиб қолди.

Бугунга келиб Алишер Навоий тилга олган *сўна*, *бўрчин*, *жўрка*, *эрка*, *олмабош*, *чоқирқанот*, *темирқанот*, *алдалдаўа*, *алакана*, *боўчол* (жами 70 тур) [11] каби гипонимларни унутдик.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтиш жоиз. Лексик сатҳда нафақат гипероним билан гипоним ўртасида, балки гипонимлараро ҳам ўзига хос алоқалар мавжуд бўлади. Битта гипероним остидаги гипонимлар эквонимлар деб аталади. Эквонимлар ўртасидаги семантик алоқага эса эквонимия дейилади [12].

Биз юқорида келтирган *ҳайдаркокил*, *суқсур*, *ўрдак* лексемалари бир-бирига нисбатан эквоним ҳисобланади. Уларнинг парадигмадаги ўрни бир хил бўлади. Барчасининг маъноси бош сўзга – гиперонимга нисбатан белгиланади.

Шу билан биргаликда айрим эквонимларда семантик белги бошқаларига нисбатан кучли бўлиши мумкин. Масалан ўрта асрларда ўрдакнинг нарини *сўна*, модасини *бўрчин* деб аташган. Иккала эквоним бир-бирига зидланыпти. Худди шу ҳолатни бошқа ҳайвонларда ҳам учратишимиз мумкин.

Совлиқ ва *қўчқор* эквонимларида жинс семаси юзага чиқаётган бўлса, *совлиқ* ва *қўзичоқ* муносабатларида ёшга нисбат берилмоқда, жинс маъноси кейинги планга ўтмоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

ГИПЕРОНИМ ВА ЭКВОНИМЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ

гипероним	ЭКВОНИМ	ЭКВОНИМ	ЭКВОНИМ
қўй	совлиқ	қўчқор	қўзи(чоқ)
от	байтал	айўир	той(чоқ)
товуқ	макиён	хўроз	жўжа
қорамол	сигир (ғунажин)	буқа (новвос)	бузоқ

ХУЛОСА

Юқоридагиларга асосланган ҳолда шундай хулосаларга келишимиз мумкин.

1. Гипер-гипонимик муносабат семантик майдонларни ҳосил қилувчи ўзига хос қолип саналади. Система ичида система тамойилиги кўра майдонлар бир-бирига уланиб

бораверади ва бу уланишда гипер-гипонимик муносабатлар синоним (маънодош) сўзлар каби ҳалқа вазифасини ўтайди.

2. Гиперонимда гипонимларнинг таркибида такрорланувчи асос маъно бўлади. Маълум бир маънода у сўзлар занжирини тортиб бораётган бош сўз («локомотив»)га ўхшайди. Гиперонимнинг маъноси ҳаммага тушунарли, ишлатилиш кўлами гипонимларга нисбатан кенг бўлади ҳамда бош шакл саналгани учун услубий бўёқдорликдан ҳоли туради.

3. Гипонимлар маълум бир маънода гиперонимга тобе бўлади. Уларнинг маъноси гиперонимга нисбатан ойдинлашади. Масалан, *аллигатор, кайман, гавиал* гипонимлари биз учун ҳеч қандай маъно англамайди, бироқ уларнинг *тимсоҳ* эканлигини айтишимиз билан юқоридаги гипонимларнинг маъноси ойдинлашади.

4. Гипер-гипонимик муносабат синонимия, партонимия, градуонимиядан ўз характерига кўра кескин фарқ қилади. Ўзига хос логик-семантик структурага эга эканлиги, бу структура билан реал борлик ўртасида симметрик алоқаларнинг мавжудлиги, етакчи (бош) ва эргашувчи элементлар қолипиди қатъий парадигмани ҳосил қилиши, халқнинг маданий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётининг инъикоси сифатида пайдо бўлиши каби хусусиятлари билан гипонимия ҳодисаси алоҳида ажралиб туради.

Л.А.Новиков гипонимияни синонимияга яқин ҳодиса эканлигини таъкидлаб, уни квазисиноним деб аташни таклиф қилади [13].

Умуман олганда, семантик майдонларни ҳосил қилишда гипонимия муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Р.Сафарова бошлаб берган ишни давом эттириб, ўзбек тили лексикасининг барча соҳалари бўйича гипер-гипонимик муносабатларни аниқлаш ва улар устида жиддий илмий изланишлар олиб бориш келажакда биз учун жуда катта самаралар бериши мумкин.

REFERENCES

1. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент: Таълим нашриёти, 2009. – 6-7 бетлар.
2. Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 7- бет.
3. Бу ҳақда қаранг: Слюсарева Н.А. Соссюр и соссюриантво//Философские основы зарубежных направлений в языкознании. – М.: Наука, 1977. – С. 85.
4. Юқоридаги манба.
5. Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 14-15.
6. Никитин М.В. Основы лингвистический теории значения. – М.: Высшая школа, 1988. – С. 66-75.
7. Бу ҳақда қаранг: Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 241-242.
8. Бу ҳақда тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Лайонз Дж. Введение в теоретическую лингвистику. – М., 1978; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 241-243; Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. – М.: Высшая школа, 1988. – С. 73-87 ва ҳоказо.
9. Бегматов Э., Нейматов Х., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикологияси асослари)//Ўзбек тили ва адабиёти журнали. –

1989. – № 6. – Б. 35-40; Нейматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – Б. 111-123.
10. Сафарова Р. Лексик-семантик муносабатнинг турлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 18-21.
11. Алишер Навоий. Асарлар. XIX том. Муҳокамат-ул-луғатайн. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – Б. 115.
12. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. – М.: Высшая школа, 641988. – С. 94.
13. Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: Высшая школа, 1982. – С. 241.